O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI


# Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 151 (9.189) * 1998 йил 23 декабрь, чоршанба * Сотувда эркин нархда


*Саноат*

## ТАДБИРКОРЛИК ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

***Пойтахтимиз аҳолисини мазали ва иссиқ нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашда чет эл технологияси билан жиҳозланган, тадбиркорлик билан иш юритаётган кичик корхоналарнинг ҳиссалари ҳам салмоқли бўлмоқда. Ана шундай жамоалардан бири Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Кўкча нон» кичик корхонасидир.***



«Кўкча нон» кичик корхонаси ўзининг тўрт йиллик фаолияти даврида цехларга Германия ҳамда Россиядан келтирилган унумли дастгоҳлар ўрнатишга эришди. Бу эса маҳсулот сифатининг ортишига, турларининг кўпайишига асосий омил бўлди.

— Бугунги кунга келиб 20 хилдан зиёд нон ва нон маҳсулотлари тайёрламоқдамиз, — дейди корхона раҳбари Эркин Тўлаганов. — Жамоамиз тумандаги 60дан ортиқ савдо ташкилотлари билан шартнома тузган бўлиб, ишчи-хизматчиларимизнинг кечаю кундуз қилаётган саъй-ҳаракатлари туфайли уларга ўз вақтида сифатли маҳсулотларни тайёрлаб бермоқдамиз. Инсон соғлиғи учун фойдали саналган йодланган нон ҳам биринчи бизнинг корхонада ишлаб чиқарилган. Ҳозирда жамоамизда бир кеча-кундузда 1,5-2 тонна ундан маҳсулот тайёрланмоқда. Ой сайин ишлаб чиқариш қувватини оширмоқдамиз.



Шунингдек, корхонанинг 3та фирма дўкони фаолият кўрсатаётган бўлиб, харидорлар ҳар доим бу ердан иссиқ ва бўрсилдоқ нонларни харид қилишлари мумкин. Шу билан бирга корхона мутасаддилари келажак режалари устида ҳам яхши ишлар олиб боришмоқда. Янги йилдан бошлаб бу ерда қандолат маҳсулотлари — турли хил коржик, печенье, ширинликлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Шу мақсадда синов тариқасида чиқарилган ушбу маҳсулотлар харидорларни хушнуд этди. Наврўз байрами арафасида эса корхона қошида кичик қаҳвахона очиш ҳам режалаштирилмоқда.

Халқимизда «Иш билганга минг танга» деган ибора бежиз айтилмаган. Иш кўзини билган «Кўкча нон» ишбилармонлари ҳам бугунги бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб сифат ва самарадорликка эътибор қаратишмоқда. Шу билан бирга халқимизга манзур бўладиган, дастурхонимиз кўрки бўлган маҳсулотлар яратиш учун изланишмоқда.

*Шарофат БАҲРОМОВА.*

*СУРАТЛАРДА: моҳир новвой Ҳасан Туробов, корхона раҳбари Эркин Тўлаганов (ўртада), технолог Раҳима Раимовалар тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда; корхона цехларига ўрнатилган «Винклер» фирмаси жиҳозлари.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

## ЖАМҒАРМА ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳримиздаги иқтидорли болаларни танлаб олиш ва уларни чет элларга ўқишга юбориш ишларини такомиллаштиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Унда «Умид» жамғармаси ходимлари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва туман ҳокимлари вакиллари иштирок этдилар.

Шуни айтиш керакки, «Умид» жамғармаси йўлланмаси билан ҳозирда хорижий мамлакатларнинг етакчи ўқув юртларида беш юзга яқин талаба таълим олмоқда. Келаси йил ҳам турли мамлакатлардаги нуфузли ўқув юртларига юбориш учун уч юздан зиёд ўзбекистонлик талабалар тест синовларидан ўтказилади. Уларнинг ўттиз фоизини ҳамшаҳарларимиз ташкил этади. Шу сабабдан ҳам йиғилишда пойтахтимиздаги талабалар, аспирантлар ҳамда ташкилот ва корхоналарда фаолият кўрсатаётган иқтидорли ёшларни тўғри танлашни ташкил этиш юзасидан аниқ режалар белгиланди, ўринли таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Бу борада қилинадиган ишлар тўғрисида «Умид» жамғармасининг ижрочи директори Маннон Раҳимов батафсил тўхталиб, йиғилиш қатнашчилари томонидан берилган саволларга жавоб қайтарди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров олиб борди.

## ЎЗБЕКИСТОН «ХАЛҚ БИРЛИГИ» ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

**КЕЧА**

***Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати Марказий Кенгашининг бўлиб ўтган пленумида ушбу ҳаракатнинг ўтган даврда амалга оширган ишлари сарҳисоб қилинди. Бу ҳақда ҳаракат Марказий Кенгашининг раиси, академик Тўрабек Долимов маъруза қилди.***

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин турли партиялар ва ҳаракатларнинг фаолият кўрсатишига ҳам кенг йўллар очилди. Жумладан Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати фаолияти юртимизда истиқомат қилаётган 120 дан зиёд миллат ва элат вакилларининг ягона оилада, тотувлик билан яшашларида муҳим омил бахш этмоқда. Бу ҳаракатнинг кўрсатаётган фаолияти чиндан ҳам серқиррадир.

Маъруза юзасидан сўзга чиққанлар ушбу ҳаракатнинг ўтган даврда амалга оширган ишлари ҳақида тўхталиб, унинг бундан буёнги фаолияти хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Пленумда Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати Марказий Кенгашининг бўлажак қурултойини 1999 йилнинг биринчи чорагида ўтказишга келишиб олинди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Ҳаракат Марказий Кенгашининг аъзоси, турк миллий маданий марказининг раиси Умар Ибрагимович Салмонов Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракатининг ҳамраиси этиб сайланди.

*(Ўз мухбиримиз).*

***Инсон мудом ёруғликка интилади. Ҳаётим ёруғ, фарзандим пешонаси ёруғ бўлсин, деб орзу қилади. Аммо ана шу ниятлар ичида одам боласи учун энг азизи, энг муқаддаси Ватан истиқболининг ёруғлигидир. Зеро ҳар бир инсон туғилиб ўсган тупроғи тинч, мамлакати обод, Ватани қудратли бўлсагина, ўша улуғ орзулар — ҳаёти ҳам, фарзандларининг тақдири ҳам ёруғ бўлади. Шундан бўлса керак, азалдан то абадгача одам боласи зулматдан ёруғликка интилади, қора кунларда ҳам ёруғлик хаёли билан яшайди.***

Истиқлол халқимиз ва Ватанимиз пешонасида чинакам ёруғлик бўлди. Не-не ушалмаган орзуларимиз, буюк боболаримиз қалбида маҳзун ва дардли армон бўлиб кетган улуғ ниятлар ижобати учун тенгсиз бир имкониятга эга бўлдик. Миллатнинг тарихан янги тақдири учун саодатли йўл очилди. Биз Ўзбекистоннинг тараққиёти мисолида тўғри йўл танлашнинг саодатини кўриб турибмиз.

Аммо текис, равон ва силлиқ йўл бўлмаганидек, ўтган етти йил ичида эришган муваффақиятларимиз билан бир қаторда, Ватанимизни буюк ва қудратли давлатга айлантириш. Ана шундай улуғвор мақсадларни амалга ошириш асосан ёшлар зиммасига тушади. Эзгу ниятлар ижобати учун жамиятда соғлом кучлар ҳукмронлигини ўрнатиш зарур. Ватан қисмати менинг қисматим, деб билгувчи мамлакатимиз эртанги куни масъулиятини ўз зиммасига оладиган ва энг муҳими, доимо изланишда бўлган ёшлар ҳаётимиз таянчидир.

Ёшлар масаласига давлат миқёсидаги катта эътибор ҳақида ўйлар эканмиз, кўнгилда бугунги ўзбек ёшлари ана шундай

*Юртга фидойилар керак*

## ТЎҒРИ ЙЎЛ САОДАТИ

жамиятимиз ҳаётида бир қанча муаммолар мавжуд эканлиги ҳам бугуннинг ҳақиқатидир. Гап айрим кимсаларнинг Ватан ва халқ манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўйиб, манманлик, маҳаллийчилик, порахўрлик ботқоғига ботаётганлари хусусида кетмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Самарқанд ва Навоий вилояти халқ депутатлари кенгаши навбатдан ташқари сессияларида тараққиётимиз йўлига тўсиқ бўлаётган ана шундай иллатлар илдизини таҳлил қилиб, улардан қутулиш йўлларини кўрсатиб бердилар. Ва бу борада **«Энг аввало, бизнинг онгу тафаккуримизга, маънавиятимизга кишан бўлиб турган, эски асоратлардан холи бўлган замоннинг илғор талабларига жавоб берадиган ғайрат-шижоатли, мард, инсоф-диёнатли ёшларимизнинг ҳал қилувчи вазифаларга келиши учун йўлни кенг очиб бериш керак»**лигини алоҳида уқтирдилар.

Фидойи ёшларга бу қадар эътиборнинг замирида нималар мавжуд? Ундан қандай мақсадлар кўзланмоқда? Бундай масъулиятли ва мураккаб саволларга бир оғиз сўз билан жавоб бериш қийин. Чунки фидойилик сўз билан эмас, иш билан исбот этилади.

Яқинда, узоқ тоғ қишлоғида бўлганимда ажойиб бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Қишлоқ тоғ ичида, катта шаҳарлардан, хусусан вилоят марказидан ҳам жуда олисда бўлганлиги сабаб анчагина қаровсиз аҳволда. Газ ҳали етиб келмаган. Қишлоқ йўли ҳам дуруст асфальтланмаган. Клуб, болалар боғчаси, чойхона деган нарсалар мутлақо йўқ. Аммо бу гўшада ҳам одамлар яшамоқда, болалар ўсмоқда. Тошкентда кутубхоначилик бўйича олий маълумот олиб қайтган шу қишлоқлик йигит бутун ёз давомида лойдан гувала ясаб, ўз кучи билан кутубхона қурибди. Яйдоқ тоғда кутубхона! Кутубхонанинг мўъжазгина қироатхонаси ҳам бор. Бу ер доимо қишлоқ ёшлари билан гавжум. Кимдир китоб варақламоқда, кимдир рўзнома ва ойномалар ўқимоқда. Бир сўз билан айтганда, қишлоққа шу бир кичик кутубхона тимсолида маънавият, маърифат нури кириб келди. Одамлар китоб ва газеталар орқали дунё ва мамлакатимиз ҳаётидан хабардор бўлмоқдалар. Буларнинг барчаси ўз касбига садоқат қўйган бир йигитнинг фидойилиги ортидан юз берди. Зеро, бир қарашда арзимас бўлиб туюлган ана шундай воқеа замирида юрт учун, одамлар учун ҳақиқий фидойиликни кўраман.

Бугун мамлакатимиз мақсадлари аниқ: озод ва обод, ҳуқуқий-демократик жамият қуриш. Инсон номи ва қадрини улуғлаш, эътиборга тайёрми, деган савол ўтиши ҳам табиий.

Телевидение орқали ёшларимизнинг эркин, мустақил, беғубор фикр юритишларини кўрганимда бундай иштибоҳ тумандай тарқаб кетади. Йигит-қизларимизнинг ҳаётий манфаатлари нималардан иборат эканлиги, дунё халқлари тараққиётининг қандай йўлларидан боришаётганлигини англаб, бир сўз билан айтганда, оқ-корани таниб шахс бўлиб бораётганликларини тинглаб кўнгил ёришади. Ёшларнинг оммавий ахборот воситалари ва кўча-кўйдаги суҳбатларида: ўзбекистонлик ёшлар ва ватанпарвар фидойилар ҳеч қачон ва ҳеч бир замонда бу қадар улуғ ишонч ва масъулиятга мушарраф бўлмаган эдилар, деган фикр алоҳида ажралиб турибди. Мамлакатимиз ёшларининг янги бир тўлқини вужудга келдики, улар «Ватан қисмати — менинг қисматим», деган сўзнинг ўзида нақадар улуғ ва қудратли маъно борлигини юрак-юракдан ҳис этмоқдалар.

Кеча орзу қилганларимиз бугун ҳаётимиз мазмунига айланиб бормоқда. Бир замонлар — 20-йилларда чет элларга бориб ўқиган ёшлар юртларига қайтиб улгурмай қатағон қилинганларини унутиб бўладими? «Болалар — бизнинг келажагимиз» дея овоза қилган шўро замонида фарзанди тараққий топган мамлакатларда ўқиб келган бирон оддий одамни кундуз куни чироқ ёқиб қидирсангиз ҳам топа олмас эдингиз.

Бугун эса Президентимизнинг ташаббуслари билан ташкил этилган иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси орқали юзлаб ёшларимиз Америка, Германия, Буюк Британия, Франция, Япония, Италия каби мамлакатларнинг энг илғор олий ўқув юртларида билим олиб қайтишмоқда.

Яқинда 1999-2000 ўқув йилида хорижий билим масканларида бакалавр ва магистр даражасини олиш учун танлов эълон қилинди. Танлов шартларига биноан 31 йўналиш бўйича иқтидорли ёшларимизнинг яна 300 нафари хорижий мамлакатларда ўқиш учун Президент грантларини қўлга киритадилар.

Ёшларимиз фидойилиги уларнинг фақат илмга иштиёқида эмас, балки ўзларининг кундалик ҳаётларига, охир-оқибат мамлакат тақдирига муносабатларида ҳам борган сари ёрқинроқ намоён бўлаётганини кўриб турибмиз. Истиқлол, бугунги ҳаёт, ўзгариб ва ривожланиб бораётган дунё ва ниҳоят энг муҳими, юртимиз келажаги олдидаги жавобгарлик туйғуси умримизга маъно ва мазмун бахш этмоқда.

*Шаҳзода МУҲАМЕДОВА.*

*ДАН*

## ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Давлат автомобиль назорати бошқармасида республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати ходимларининг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан келиб чиққан ҳолда ДАН соҳасида амалга оширилаётган ишлар, умуман ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳамкорликда ҳал этиш мақсадида шаҳар жамоатчилиги вакиллари билан пойтахт ДАН раҳбариятининг учрашуви бўлиб ўтди.

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида барча ДАН ходимларини аттестациядан ўтказиш ишларини кенг кўламда бошладик, — деди Тошкент шаҳар ДАН бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги М.Юсупов, — кимнинг ишларида нуқсону камчиликлар бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида ишлаш-ишлашмаслиги кўриб чиқилади.

Учрашувда турли сабабларга кўра 1998 йилда ЙТҲлари, қоидабузарликларнинг сони ошиб кетгани, нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ДАН бошқармаси томонидан туман ҳокимликлари, маҳаллаларда учрашувлар ташкил этилаётгани, фақат аҳоли билан ҳамкорликдагина бундай ҳолларнинг олдини олиш мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув давомида ДАН фаолиятини яхшилаш юзасидан ўринли таклиф-мулоҳазалар билдирилди, мутасаддилар йиғилганларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар қайтаришди.

Тадбир сўнгида шаҳар ДАН бошқармасининг йўл ҳаракати иштирокчиларига мурожаатномаси қабул қилинди.

*Дамир ИСЛОМОВ.*

## ДАВР САДОСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якунловчи мажлисида ўз ишини бошлайдиган парламентнинг ўн учинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича шу кунга қадар амалга оширилган ишларга якун ясалди.

● **ЭРТАГА** биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини бошлайди.

● Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлди.

● Навоий шаҳрида вилоят тиббиёт ходимлари фаолларининг йиғилиши бўлди.

● Бухоро вилоятида анъанавий ҳосил байрами ўтказилди.

● Андижон вилоятида энг фаол аёл унвонини олиш учун кўрик-танлов ўтказилмоқда.

● **БУГУН** республика Байналмилал маданият марказида атоқли ёзувчи Чингиз Айтматовга бағишланган адабий-бадиий анжуман ўтказилди.

● Андижонда ўқувчиларни ҳуқуқий руҳда тарбиялашни такомиллаштиришга бағишланган республика семинари ўтказилди.

● Тошкентнинг Ҳамид Олимжон майдонида Тинчлик боғига асос солинди. Ўтган якшанба куни бу ерда 270 туп мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

● Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тўғрисидаги Миллий дастурни амалга оширишнинг назарий-амалий вазифалари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлди.

● Фарғона политехника институтида халқ хўжалиги тармоқлари раҳбарларининг малакасини оширадиган вилоят курси очилди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: божхона сиёсати, тараққиёт омиллари» мавзуида илмий- амалий анжуман ўтказилди. Анжуманда божхона хизматини такомиллаштириш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш, божхона идораларининг фаолияти ва кадрларни тайёрлаш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

● Тошкентда, Корея Республикаси таълим марказида корейс тили ўқитувчилари малакасини ошириш, бу тилни ёйиш ва ўрганишга бағишланган халқаро семинар ўз ишини ниҳоясига етказди.

● Фарғона вилоятининг Тошлоқ тумани Кўприкбоши қишлоғида улуғ бобомиз Мирзо Улуғбек зарб қилган 322 дона танга топилди. Мутахассислар ушбу тангалар Мирзо Улуғбек пул ислоҳоти ўтказган 1428-1429 йилларда савдо-сотиққа ишлатилган, деб тахмин қилишмоқда.

● **КЕЧА** XIII Осиё ўйинларида қатнашган ўзбекистонлик спортчилар Ватанларига қайтиб келдилар. Маълумки, ҳамюртларимиз ушбу нуфузли мусобақада 6 та олтин, 22 та кумуш, 12 та бронза медалини қўлга киритиб, турнир жадвалининг ўнинчи поғонасини эгалладилар.

### ЖАҲОНДА

● **КЕЧА** Москвада Ҳамдўстлик мамлакатлари мудофаа вазирлари кенгашининг мажлиси бўлди. Унда Россия Федерацияси мудофаа вазири Игорь Сергеев МДҲ мамлакатларини ҳарбий ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболларига янгича нуқтаи назар билан қарашга даъват этди. Ҳарбий маҳкамаларнинг бошлиқлари шунингдек, Ҳамдўстлик ҳаво ҳужумига қарши бирлашган тизими билан боғлиқ бўлган масалаларни, хавфсизликнинг ахборот муаммоларини ҳам қараб чиқдилар.

● Пекинда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Хитой ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича тадбирлар кўриб чиқилди.

● Исроил парламенти муддатидан илгари сайловлар ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу сайловлар келгуси йилнинг март-апрель ойларида ўтказилиши керак.

● Муқаддас Рамазон ойи бошланиши муносабати билан Ингушетия Президенти Руслан Аушев республикада алкоголли маҳсулотларни чакана савдо қилишни вақтинча тўхтатиш ҳақида Фармон эълон қилди.

● Остона шаҳрида Қозоғистон Бош вазири Нурлан Балгимбаевнинг Украина ташқи ишлар вазири Борис Тарасюк билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда икки томонлама ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

● Ҳиндистонга ташриф билан борган Россия Федерацияси Бош вазири Евгений Примаков Москва-Пекин-Деҳли стратегик учбурчагини ташкил этишни таклиф қилди.

● **КЕЧА** Россия Федерацияси Бош вазири Евгений Примаков Қозоғистон пойтахтига расмий ташриф билан келди.

● Прагада ўтказилган аҳоли сўрови якунларига кўра кўпчилик прагаликлар Чехия Президенти Вацлав Гавел истеъфога чиқиши керак, деб ҳисобламоқдалар.

● Германия ҳукмрон доиралари Американинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналарини шу йилнинг август ойида портлатиб юборишда айбдор деб шубҳа остига олинган Судан фуқароси Мамду Маҳмуд Салимни АҚШга жўнатиб юборишди. Салим саудиялик миллионер Усама бин Ладеннинг молиявий ишларини бошқарган, деб тахмин қилишмоқда. Вашингтонда ҳисоблашларича, иккала портлашни ҳам ана шу террорчи уюштирган.

● Литва парламенти ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қонунни маъқуллади. Янги қонун мамлакатдаги олий жазо ўрнини умрбод қамоқ жазоси билан ўзгартиради.

● Москвадаги ресторанлардан бирида араб рақси бўйича 1-халқаро танловнинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондан борган раққосалар ҳам иштирок этишди. Унда ярим ўзбек бўлган москвалик Оксана Женид ғолиб чиқди. Оксана Ливияда ўтказиладиган халқаро танловга боради.

● Американинг Хьюстон шаҳридаги госпиталда жаҳон тиббиёти тарихида биринчи марта нигериялик мухожир — 27 ёшли Нкем Чукву саккизта бола туғди. Уларнинг олти нафари қиз ва икки нафари ўғил. Шуни айтиш керакки, етти чақалоқ қизалоқни жарроҳлик йўли билан туғдириб олишгандан сўнг, орадан икки ҳафта ўтгач, дунёга келишди. Чақалоқларнинг вазни 311 граммдан 708 граммгача келади. Уларнинг аҳволи оғир деб баҳоланмоқда.

● Италиянинг «Ювентус» футбол командасининг моҳир ҳужумчиси, француз Зинедин Зидан йилнинг энг яхши футболчиси деб тан олинди. Унга «Олтин тўп» топширилди.

Санoат

# ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «Тошсут» ҳиссадорлик жамияти ўзига хориждан ишончли ҳамкор қидираётган, янги технология асосида сифатли маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйган жамоалардан бири саналади.**

Бугунги кунга келиб корхонада сут ва сут маҳсулотларининг 10 дан ортиқ тури ҳамда турли мева шарбатлари тайёрланиб, пойтахтимиз аҳолиси дастурхонига тортилмоқда. Айниқса, 1996 йилда Швециянинг «Тетра-пак» линияси ўрнатилган цехда тайёрланаётган шарбатлар, сут ҳамда тозаланган сув маҳсулотлари ўзининг қадоқланиши, сақланиш муддатининг узоқлиги, хуштаъмлилиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

— Биз асосан хом ашёни мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган консерва заводларидан, сутни эса Тошкент вилояти жамоа хўжаликларидан шартнома асосида оламиз, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Рустам Юсупов. — Лекин кейинги вақтда жамоа хўжаликларининг сут етказиб бериш, унинг сифати пастлиги албатта ишимизга салбий таъсир этмоқда. Бунга сабаб айрим жамоа хўжаликлари фермаларининг ўзида кичик корхоналар очилиб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Хусусий тадбиркор ва ишбилармонларнинг кўпайгани яхши. Албатта, бизга рақобатчиларнинг пайдо бўлиши маҳсулот сифатига, харидор дидини алоҳида ўрганишга, янги-янги маҳсулот турларини яратиш йўлида изланишга ундайди. Лекин чет элдан асбоб-ускуна келтириб, уни ишга тушириш билан иш битмайди. Чунки кўпчилик жамоа хўжаликларида бунинг учун санитария қоидаларига жавоб берадиган алоҳида хоналар йўқ. Ундан ташқари у ерларда турли хил микроблардан тозаловчи мосламалар мавжуд эмас. Бизнинг корхонамизда эса олиб келинган сут махсус мослама орқали 147°С да қайнатилади ва бу ҳароратда ҳар қандай микроб ҳам барҳам топади.

Корхонада бир йилдирки, Америка билан ҳамкорликда ташкил этилган «Санджус продекшн» қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу корхонада тайёрланаётган цитрус мевалари ҳамда шоколадли шарбатлар харидорларга манзур бўлмоқда. Цитрус меваларидан шарбат тайёрлаш учун хом ашё Голландиядан келтирилади. Бунинг учун Голландиянинг «Дёлер» фирмаси билан ҳамкорлик қилинмоқда. Шунингдек қўшма корхона маҳсулотлари шаҳримиздаги «Демир» супермаркети орқали сотилмоқда. Шуни ҳам айтиш ўринлики, Туркиянинг «Демир» фирмаси жамоаси ҳиссадорлик жамиятининг 14 фоиз акцияларини сотиб олганлар.

— Ушбу фирма билан ҳамкорлигимиз ўз самарасини бермоқда, — дейди корхона раҳбари ўз сўзини давом эттириб. — Келгусида эса «Демир» фирмаси билан шерикликда корхонамизни қўшма корхонага айлантириш режамиз бор. Ана шунда цехларимизга юксак унумли замонавий ускуналар ўрнатиб, янада сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарамиз. Айни кунларда эса Финляндиянинг «Элопак» фирмаси билан ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз. Ушбу фирмадан янги технология келтириб ўрнатиш учун музокаралар кетмоқда. Янги технология асосида ҳимояланган махсус қоғоз қутиларда қатиқ ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. «Элопак» фирмасининг ушбу технологияси асосида 1 соатда 2000 та қоғоз қутиларда маҳсулот тайёрлаш имконияти бор. «Элопак» технологияси жаҳон тажрибаларида синалган, сифатли маҳсулот кафолатини бериш билан озиқ-овқат саноатида ўз мавқеига эга.

Корхонада янги маҳсулот турларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, ушбу йилда маҳаллий хом ашёдан тайёрланган помидор, узум, шафтоли шарбатлари кичик-кичик қоғоз қутиларга тайёрланганлигини айтиш лозим. Лекин бундай сақлаш муддатига эга бўлган қоғоз қутиларининг четдан валюта ҳисобига келтирилиши тайёр маҳсулотнинг нархининг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Албатта, бундай қоғоз қутиларни ўзимизда ҳам тайёрлашни йўлга қўйсак, маҳсулотнинг харидоргирлиги янада ортган бўларди.

Ҳозирда қўшма корхона маҳсулотлари, қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Жорий йилда Қирғизистонга 150 минг долларлик маҳсулот юборилди. Келгусида эса бошқа хорижий давлатларга ҳам маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*



*Ижарадаги Тошкент матбаа корхонаси жорий йилни ўзига хос муваффақиятлар билан якунлаётган жамоалардандир. Асосий цехлардан ҳисобланган чипта цехи ишчи-хизматчилари сифатли маҳсулотлар тайёрлаб, корхона ютуғига муносиб улуш қўшишмоқда.*

*СУРАТДА: чипта цехи ишчиси Вячеслав Мисков.*

Касаба уюшмалари

# МЕҲНАТ АҲЛИ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

**Меҳнат аҳлининг манфаатини ҳимоя қилиш касаба уюшмаларининг доимо диққат марказида бўлиб, улар фаолиятининг устивор йўналишларидан ҳисобланади. Яқинда агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Тошкент шаҳар қўмитасининг VI пленуми бўлди. Унда қўмита раиси Н. Умарова «1998 йил — «Оила йили» давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда ва жамоа шартномаларида ўз аксини топган ходимлар оилаларининг фаровонлигини оширишга қаратилган тадбирларни бажариш бўйича Тошкент шаҳар ҳудудидаги корхона ва ташкилотлар касаба уюшма қўмитаси ва иш берувчиларнинг фаолияти ҳақида маъруза қилди.**

Шуни айтиш керакки, мамлакатимизда ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролар жамияти барпо этилаётган ҳозирги даврда корхона, ташкилотда иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи юридик меъёрий ҳужжат — жамоа шартномасини тузиш ва улардаги мажбуриятларнинг бажарилишига катта аҳамият берилмоқда. Чунки меҳнаткашларга корхона томонидан бериладиган барча имтиёзлар, уларнинг ижтимоий ҳуқуқлари жамоа шартномаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шу асосда ҳаётга татбиқ этилади.

Оила йилига бағишланган тадбирларни белгилашга касаба уюшма қўмиталари ижобий ёндошиб, оила манфаатларини ҳимоя қилувчи кўплаб тадбирларни самарали амалга оширмоқдалар. Бу йўналишда «Тошкент — нон» ишлаб чиқарувчилар уюшмасининг фаолияти диққатга сазовор бўлиб, пойтахт аҳолисини харидоргир маҳсулотлар билан таъминлашда хизмат қилаётган ходимларнинг баракали меҳнатларини муносиб тақдирлаш, хилма-хил, юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга рағбатлантиришдаги роли сезиларлидир. Кишиларнинг моддий манфаатдорлигини ўстиришга эътибор бериш, шубҳасиз, корхонанинг равнақ топишига хизмат қилади.

«Сувмаш», «Тошмаргёғ» ҳиссадорлик жамияти, «Агротаъминот «БС», «Тошкент тажриба-таъмирлаш» ҳиссадорлик жамияти, «Ўзсувускунабутлаш» ва бошқа йирик корхоналарда янги оила қураётган ходимларга пул мукофоти, ёш оилаларга рўзғор буюмлари бериш, кам таъминланган оилаларнинг никоҳ, суннат тўйлари ва бошқа тантанали маросимларига бепул маданий хизмат кўрсатиш ва автотранспортлар билан таъминлаш, оилада фарзанд туғилиши муносабати билан қўшимча тарзда суюнчи пули бериш, иш вақтида вафот этган ишчиларнинг оилаларини корхона оталиғига олиб, уларнинг фарзандларига балоғат ёшига тўлгунча ҳар ойда моддий ёрдам бериш каби хайрли ишлар мунтазам равишда амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари юқорида қайд этилган корхоналар ўз оталиғига олган мактаблар, болалар боғчалари, атрофдаги маҳаллаларга моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда. «Тошмаргёғ» ҳиссадорлик жамиятида касаба уюшма қўмитасининг ташаббуси билан маъмурият ўзининг буйруғи билан «Оила манфаатларини амалга оширишни таъминлаш чора-тадбирлар дастури»ни тасдиқлаб, бу борадаги ишларни бажариш ва назорат қилиш комиссиясини тузди. Ушбу тадбирлар жамоа шартномасига киритилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шундай тадбирлардан бири касаба уюшма қўмитаси томонидан сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларига олинаётган йўлланмаларнинг 20 фоизини кам таъминланган ва кўп болали муҳтож ходимларга берилишидир.

Маълумки, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш масалалари етакчи ўринларни эгаллайди. Бироқ ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш масалаларига эътибор ҳамма ерда ҳам бир хил эмас.

Жумладан, «Бинокор» қурилиш конструкциялари корхонасида 3 йилдан бери хоналар ва цехлар иситилмайди, цехларнинг ойналари синган, томлари тешилган бўлиб, ишчиларга ноқулай шароитда ишлагани гўёки, камлик қилганидек, сут, совун берилмайди. «Тажриба — таъмирлаш механика корхонаси» ҳиссадорлик жамияти, Тошкент отчопари ташкилотида эса жамоа шартномасига меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўлими киритилмаган ҳамда бу ҳақда келишув илова қилинмаган.

Шунингдек, нотиқ ўз маърузасида тармоқ меҳнат аҳли ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, айниқса, кам таъминланган, кўп болали, оиласида ногирон фарзанди бўлган ходимларга кўрсатилаётган меҳр-мурувват ҳақида тўхталиб ўтди. Жумладан, шу йилнинг 9 ойи ичида тармоқ корхоналарининг 1625 нафар ходимлари санаторий, санаторий-профилакторийлар ва дам олиш уйларида соғлиқларини мустаҳкамладилар. «Оби ҳаёт», «Конструктор» ва «Ширин булоқ» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ёзги мавсумда 2521 нафар болалар соғломлаштирилди. «Настарин» санаторий-профилакторийсида 569 нафар ишчи шифо топди. Шунингдек, кам таъминланган 85 нафар ходим бепул йўлланма билан ушбу серфайз сиҳатгоҳда даволанди.

«Ором» санаторий-профилакторийсида кўп болали оилалардан чиққан 500 нафардан ортиқ талабалар соғломлаштирилди. «Соғ танда — соғлом ақл» деган нақлга амал қилиб тармоқда спорт ишларини жонлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда шаҳар қўмитаси қошида фаолият кўрсатаётган «Агросаноатчи» жисмоний тарбия-спорт клуби спортни ривожлантириш бўйича қатор тадбирларни амалга ошириши натижасида агросаноат мажмуи тармоқларида 6 та бирлашган жисмоний тарбия жамоаларида, 39 та жисмоний тарбия жамоаларида 32 мингга яқин киши жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланмоқда.

«Тошкентвино комбинати» ҳиссадорлик жамияти қошидаги «Геркулес» жисмоний тарбия — соғломлаштириш клубида спортнинг бокс, кикбоксинг турлари бўйича мунтазам равишда машғулотлар ўтказилмоқда.

Анжуманда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

*Улуғбек ПЎЛАТОВ.*

Алоқа

# ЖАҲОН АНДОЗАСИДАГИ «COSKOM»

## хизмати юртимизда

**Бундан икки йил олдин, яъни 1996 йилнинг 26 апрелидан Ўзбекистоннинг тезкор радио алоқа тизимини яратиш, ривожлантириш ва тасарруф этишни мақсад қилган ҳолда GSM-900 рақамли андозадаги умумий тарзда фойдаланиладиган «COSCOM» ўзбек-америка қўшма корхонаси ташкил этилди. Унинг муассислари — «Ўзбеккосмос» Космик Тадқиқотлар Давлат Агентлиги, Американинг «МСТР» компанияси ҳамда «Давр-Конверсия» ёпиқ турдаги акциядорлик Инвестиция Савдо Саноат компаниясидир. Компания бош директори Алексей Степанов билан суҳбатлашганимизда уяли алоқанинг нечоғли нуфузли эканлигини қуйидагича изоҳлаб берди:**

— Республикада фаолият кўрсатаётган уяли алоқа компанияларига нисбатан Ўзбекистон корхоналари томонидан лойиҳага қўйган сармоя улуши бошқаларникига нисбатан бизники кўпдир. Бизнинг сармоя сиёсатимиз Ўзбекистон учун ғоятда фойдали бўлган шароитларга асослангандир. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 ва 1998 йилларда чиқарган қарорларида худди шу шартларни ҳисобга олиб, бизнинг компанияни Республика Сармоя дастурига киритди. Мана энди биз ўз фаолиятимизда уяли алоқа ускуналарини етказиб берувчи дунёнинг асосий ишлаб чиқарувчи компаниялари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйишга муваффақ бўлдик. Айни кунда «Моторолс» ва «Алкатель» компаниялари уяли алоқа тизимини пайвандлашга мўлжалланган бир неча миллион АҚШ доллари миқдоридаги ускуналарни «COSCOM» манзилгоҳига етказиб бермоқда.

**— Алексей Борисович, айтингчи, юртимизда фаолият кўрсатаётган «Ўздунробита», «Юнител» алоқа компанияларидан «COSCOM» қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?**

— Энг аввало шуни айтиб ўтишим керакки, «COSCOM» компанияси 1997 йилнинг февраль ойидан буён MoUGSM андозасидаги уяли алоқа операторларининг Халқаро уюшмасига аъзодир. Шунингдек, бизда меҳнат қиладиган ходимларимиз маҳаллий мутахассислардан ташкил топган. Уларнинг малакаларини ошириш ва жаҳон андозаси даражасида хизмат кўрсатиш сир-асрорларини Англия, Франция, Германия ва Россия давлатларида ўқиб-ўрганиб келишмоқда. Бундан ташқари 1997 йилнинг апрель ойидан то шу кунга қадар пойтахтимиз Тошкент ва республиканинг Самарқанд, Бухоро, Гулистон, Жиззах, Чирчиқ, Янгийўл каби йирик вилоят ва саноат марказларини ҳамда уларга туташ бўлган ҳудудларни ўз алоқа тармоқлари билан қамраб келмоқда.

«COSCOM»нинг бошқа компаниялардан фарқли томони шундаки, бугунги кунда биз GSM андозасидаги алоқа тармоғи билан жуда катта ҳудудни қамраб олган ва миллий автоматик роумингга эгамиз. Яъни, масалан, мижозларимиз код рақамларини териб ўтирмасдан тармоқ фаолияти йўлга қўйилган жойдан туриб, тўғридан-тўғри Тошкентдаги телефон рақамига сим қоқиши мумкин. Шунинг учун ҳам бизнинг компания роуминг хизматини тақдим этувчи — Марказий Осиёдаги ягона уяли алоқа компаниясидир.

**— Айтингчи, автоматик роуминг алоқани фақат Ўзбекистон ҳудудида ташкил этганмисизлар?**

— Биз ишимизни халқаро миқёсда ташкил этганлигимиз учун автоматик роуминг ҳам халқаро даражада. Яъни бу хизматдан ҳам фойдаланадиган мижоз бошқа операторнинг ҳудудидаги худди шундай андозадаги алоқа тармоғидан, олдиндан огоҳлантириб ўтирмай фойдаланаверади. Бунда фақат шарт шуки операторлар ўртасида роумингли шартнома имзоланган бўлиши зарур. Бундай ҳолда мижознинг рақами ўзгармасдан қолаверади. Ўша пайтда у яшаб турган мамлакатнинг кодини термасдан туриб ўзга киши билан боғланиши мумкин.

**— Келгуси режалар ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Биз айни вақтда 28 компания билан роумингли шартнома имзолаган бўлсак, улар билан тест синовлари ўтказаяпмиз. Шу йилнинг бошида Тошкентда ноёб контейнер шаклида ишланган, 45 минг абонентга хизмат кўрсатиш имконини берадиган «Алкатель» коммутатори ишга тушди. Бу ҳам режаланган ишимизнинг бир қисмини амалга оширганимиздан далолатдир. Сабаби бу шаҳар тармоқлари билан бўладиган алоқа сифатини тубдан яхшилайди ва янги сервис хизматларини энг кўп даражада тақдим этади.

Компания шунингдек, келажакда Наманганда «Алкатель» компанияси ишлаб чиқарган янги коммутаторни ўрнатиш ва Фарғона водийсини «COSCOM» тезкор алоқа хизматини йўлга қўйишни режалаштирган. Қисқа муддат мобайнида тезкор алоқа тармоғи билан республиканинг каттагина ҳудудини жадал қамраб олиб, халқаро автоматик роуминг хизматини йўлга қўйиш асосий режаларимиздандир.

*Гулзода МАМБЕТОВА суҳбатлашди.*

Ҳамкорлик

# ТОВЛАНУВЧИ ТОМЛАР

**Шаҳримиз кўчалари бўйлаб юрсангиз, кўкка бўй чўзаётган улкан иморатларга, бири-биридан муҳташам биноларга кўзингиз тушади. Шаҳар марказидаги янги қуриб битказилган кўркам уй-жой, офис ва дўконларни айтмайсизми?.. Эътибор берган бўлсангиз уларнинг томлари қизил, ҳаворанг ва бошқа рангдаги металл черепицалар билан ёпилган. Ана шу қурилиш материаллари эндиликда ўзимизда — Тошкентда ишлаб чиқарилмоқда.**



Биз пойтахтимиздаги 1-тажриба-экспериментал механика заводи ҳудудида жойлашган, металл черепицалар ишлаб чиқараётган Ўзбекистон — Германия «Тезинтом ЛТД» қўшма корхонасида бўлиб, бош директор Элёр Ғуломов билан корхонанинг яратилиш тарихи, фаолияти хусусида суҳбатлашдик.

— Биз немислар билан салкам ўн йилдан буён ҳамкорлик қилиб келамиз, — деди Элёр Ғуломов биз билан суҳбатда. — Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида «Хематай» деган фирма бор. Республикамиз мустақилликка эришгач, ҳамкорлик имкониятларимиз янада кенгайди. Хорижлик ҳамкорларимиз билан ўзаро маслаҳатлашиб, қурилиш материалларидан металл черепица ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ташкил этишга қарор қилдик. Биласиз, Европада биноларнинг томлари ана шундай материаллар билан ёпилади. Шифер ва ҳоказолар аллақачон урфдан қолган. Бизнинг шаҳарларимизда қурилаётган бинолар ҳам уларникидан қолишмайди, энди томлар ана шу материаллар билан ёпилса, иморатларнинг умрбоқийлиги янада ошади.

Корхонага Германия сармоя ажратди. Бу маблағга Финляндиядан асбоб-ускуналар олиб келиниб, ўрнатилди. Хом ашё Голландиядан келтириляпти. Ишчилар аввал Голландия ва Польшада, кейин эса Финляндияда ўқиб-ўрганиб келишди. Корхона шу йил март ойидан маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

— Ўтган 8 ой давомида 40 минг квадрат-метр ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқардик, — суҳбатни давом эттирди корхона раҳбари. — Харидорларимиз, асосан, қурилиш ташкилотлари, хусусий фирмалар, элчихоналар бўлиб, маҳсулотларни уларнинг талаб-истакларига қараб тайёрлаб бермоқдамиз. Бундан ташқари, республикамизнинг барча вилоятларидан харидорлар бетўхтов келиб турибди. Қўшни республикалардан — Қозоғистон, Қирғизистондан ҳам одамлар келиб, маҳсулотимизга харидор бўлишяпти.

Корхона маҳсулотининг харидоргир бўлишида, мижозлар талабини чуқур ўрганиш, уларнинг талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш муваффақият омили бўлаяпти.

Жамоада ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Жумладан, яқин кунлар ичида ойна блоклар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади. Бугунги кунда корхонада ўттиздан зиёд одам ишлаётган бўлса, ана шу цех очилиши билан яна ўн бешга яқин иш ўрни яратилади.

*Мирзаали АКБАРОВ.*

*СУРАТДА: қўшма корхона ишчиси Садриддин Баҳромов.*

Қурилиш

# ТОМОШАБИН ХУШНУД БЎЛАДИ

**Бугун пойтахтимиз кўчаларини сайр этар экансиз, унинг ҳар бир бурчагида улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўласиз, азамат қурувчиларнинг шижоаткорона меҳнатларига қойил қолмай иложингиз йўқ. Шу билан бирга жуда кўплаб бинолар қайта таъмирланиб, бутунлай янгича қиёфа кашф этаётгани ҳам шаҳримизга ўзгача кўрк бағишламоқда.**

Ана шундай бинолардан бири — шаҳримизнинг Ота турк кўчасидаги «Билимлар уйи» замонавий руҳда бутунлай қайта таъмирланмоқда. Бу масканда М. Горький номли рус академик драма театри қад ростламоқда. Қурувчиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли шу йилнинг февраль ойида қайта қуриш бошлаб юборилган эди. Бунёдкорлик ишларига бош пудратчи этиб эса ўзларининг баракали меҳнатлари эвазига шаҳримизда жуда кўплаб муҳташам иморатларни тиклашда фаол иштирок этиб муваффақият қозонган — «12-трест» ҳиссадорлик жамиятининг 1-кўчма механизациялашган колоннаси қурувчилари тайинланди. Бунёдкорлар лойиҳада кўрсатилган барча ишларни маромида сифатли этиб бажаришга эришдилар.

— Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, — дейди моҳир қурувчи уста, ишбоши Рустам Назаров, — бинонинг ички ва ташқи кўринишлари бутунлай бошқача қиёфага эга бўлди. Албатта, бу борада ўн бир ойдан буён тер тўкаётган бунёдкорларимизнинг ҳиссаси алоҳидадир. 640 томошабинга мўлжалланган томоша зали барча қулайликларга эга бўлади. Шунингдек, кираверишда 2 та — шарқий ва ғарбий фойе талаблар даражасида пардоз қилинмоқда. Айниқса, ўртада чиройли фаввoранинг отилиб туриши томошабин ва меҳмонлар дилига завқ бағишлаши, шубҳасиз.

Актёрларнинг грим хоналарида ҳам барча шароитлар муҳайё этилган бўлиб, ҳозирча бундай қулайликлар пойтахтимиздаги бошқа театрларда йўқ. Шунингдек, актёрлар учун махсус тамаддихона, репетиция зали мавжуд.

Бу ишларни амалга ошириш учун республикамизда тайёрланаётган ҳамда Украина, Италия, Қирғизистон давлатларида ишлаб чиқарилган бунёдкорлик материалларидан самарали фойдаланилмоқда. Айниқса, Италия давлатидан келтирилган осма шиплар томоша залига кўрк бағишлаши, шубҳасиз.

Янги — 1999 йилдан бошлаб буларнинг барчасини театр ишқибозлари ўз кўзлари билан кўриб, томошалардан баҳраманд бўлишлари мумкин. Ана шу ниятни амалга ошириш учун бугун бу қурилиш майдонида 200 нафардан зиёд турли касб эгалари меҳнат қилишмоқда.

Шунингдек, бош пудратчилар билан ҳамжиҳатликда ёрдамчи пудратчилар охирги пардозлаш юмушлари ва бино ён-атрофини ободонлаштириш ишларини бажаришмоқда. Қурилишда 15 та ёрдамчи пудратчилар ишлашмоқда. Айниқса, улар орасида 3-механизация бошқармаси, 25-, 20-, 37-, 45-қурилиш бошқармалари бунёдкорлари юксак унум билан фаолият кўрсатишмоқда. 1-механизациялашган кўчма колоннанинг Роман Ким бошчилигидаги бригада аъзолари эса ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда. Пайвандчи Риф Гарданов, тикловчи Ринат Қосимов, бетончи Абдураҳмон Бекмирзаевларнинг муҳташам бино қурилишида катта улушлари бор.

Дарҳақиқат, кўп ўтмай бу театр томошабинлари ўз севимли саҳна асарларини завқ билан томоша қилиш, маънавий озуқа олиш имкониятига эга бўладилар. Албатта, бунда бино бунёдкорлари — толмас қўлли бунёдкорларнинг улуши беқиёс бўлади.

*Шоҳида БОБОЕВА.*

*Маънавият*

# БАҲСЛАРДА ЎТГАН САФАР

***Яқинда Тошкент шаҳридан янги сайланган маҳалла оқсоқолларининг бир гуруҳи Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташаббуси билан туркий тасаввуф шеърияти намояндаси, юксак руҳ донишманди Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилиш учун Туркистон шаҳрида бўлиб қайтдилар.***

Сафар бошланишиданоқ қайта сайловларда халқ ишончини қозонган, катта ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида алоҳида обрў-эътиборга эга бўлган оқсоқоллар гурунги бошланиб кетди. Маҳаллани халқ ишончини қозонган адолат масканига, уни жамиятимизда ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли таянчи ва таъсирчан воситасига айлантириш борасида олиб борилаётган ишлар, унинг муаммолари ўртага ташланди. Айниқса, аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилган Президентимиз Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари билан таништириш борасида маҳаллаларда қилинаётган ишлар кишини қувонтиради. Шайхонтоҳур туманидаги «Обиназар» маҳалла оқсоқоли Самариддин Ҳасанов, Ҳамза тумани «Улуғбек» номли маҳалла оқсоқоли Баратжон Саломов, Юнусобод туманидаги «Иттифоқ» маҳалласи оқсоқоли Лутфиллаҳожи Исамуҳамедов, Ҳамза тумани «Донишманд» номли маҳалла оқсоқоли Илҳом Усмонов каби оқсоқоллар Президентимизнинг «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракалар ва маросимларни, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни тартибга солиш ҳақида»ги Фармонининг амалга оширилишида маҳалла катта куч эканлигини, ҳар қандай шуҳратпарастликни, дабдабабозликни, эл-юрт одатларини менсимасликни, ўз-ўзини кўз-кўз қилувчиларни тўғри йўлга солишда маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар ниҳоятда фойдали эканлигини баён этдилар.

Маҳаллаларда амалга оширилаётган ибратли ишлар билан танишиш, тажриба алмашиш, шунингдек маҳаллалар ишидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлларини топишда оқсоқолларнинг ўзаро ҳамкорлиги зарур эканлигига ишонч ҳосил қилинди. Шунингдек, маҳаллада маънавий ва миллий қадриятларни шакллантириш борасида, мактаб — маҳалла ҳамкорлиги соҳасида қилинаётган ишлар билан Акмал Икромов туманидаги «Катта Қаъни» маҳалласи оқсоқоли Қобил Қодиров таништирди.

Сафар давомида оқсоқолларни қизиқтирган кўпгина саволларга Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш. Жалилов жавоб берди. У оқсоқоллар олдида улкан вазифалар мавжудлигини қайд этар экан, яқинда Самарқанд, Навоий вилоятлари халқ депутатларининг навбатдан ташқари сессияларида Президентимизнинг бу вилоятларда йўл қўйилган суиистеъмолчилик, қариндош-уруғчилик, мансабпарастлик каби салбий ҳолатларни танқид қилиб, уларга йўл қўймаслик учун давлат органлари, ноҳукумат, жамоат ташкилотлари назоратида бўлишини, янги шароитда ҳокимият ваколатларидаги муайян вазифаларни аста-секин маҳаллий фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларига топшириш йўли билан улар мавқеини кучайтириш ва обрў-эътиборини мустаҳкамлаш ҳақидаги фикрлари маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари олдига катта масъулиятлар юклаётганлигини таъкидлади. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси ўқимишли, фидойи, эл-юрт ғамини ейдиган, давр талабини тўғри тушунадиган, ҳалол, диёнатли, виждони пок, имони мустаҳкам, давлат сиёсатини тўғри тушуниб, уни ҳаётга тадбиқ эта оладиган, Президентимиз айтганидек, «Элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган» киши бўлмоғи лозим, деб изоҳлар берди.

Сафар давомида Чимкент шаҳри билан танишилди.

Сафар қатнашчилари уларга саховатли хизмат кўрсатган «Ўзбексавдо» ташкилоти ходимларига ўзларининг чуқур миннатдорчиликларини билдирдилар.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

# ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

***Бошқарув идоралари ва шаҳар халқ хўжалиги объектларининг ҳарбийлашмаган шаклланмаларини фуқаролик муҳофазаси масаласида, шунингдек, аҳолининг барча тоифаларини келиб чиқиши мумкин бўлган турли хил аварияла, фалокатлар ва табиий офатлар шароитларида зарур хатти-ҳаракатларни амалга оширишни ўргатишга тайёрлаш тизимидаги ўқув йили якунланмоқда.***



Ўқув жараёни дастурига мувофиқ ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан фавқулодда ҳолатлар шаҳар бошқармасининг кучлари орқали яқинда «Техноген йўналишдаги фавқулодда ҳолатлар юз берган ҳолларда раҳбарлар таркиби ҳамда ҳарбийлашмаган шаклланмаларнинг фаолияти» мавзусида махсус-тактик ўқув машғулотлари бўлиб ўтди.

Ўқув машғулотларини тайёрлаш ва ўтказишда Фавқулодда ҳолатлар вазирлигининг қутқарув бўлинмаси, шунингдек, фуқаролар муҳофазаси штаби бошлиғи — туман ҳокими А. Мажидов бошқарган Мирзо Улуғбек туман ички ишлар, соғлиқни сақлаш, ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлимлари ходимлари фаол иштирок этишди.



Ўқув машғулотлари «Тошкент трактор заводи» ҳиссадорлик жамиятида ўтказилди ва унда иштирок этган бўлинмаларнинг шахсий таркиби тадбир давомида юқори касбий маҳорат ва йиғинчоқлик намуналарини кўрсатишди, фаол ва билимдонлик билан ҳаракат қилишди.

Ўқув машғулотларини кузатган Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ҳолатлар вазири, генерал-майор Б. Э. Қосимов натижаларни қисқача таҳлил қилди ва иштирокчиларнинг ҳаракатларига юқори баҳо берди.

*(Ўз мухбиримиз.)*

*СУРАТЛАРДА: ўқув машғулотларидан лавҳалар.*

*Юртимиз довруғини таратганлар*

# ҲАМШАҲРИМИЗ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

***Маълумки, яқинда Мальта давлатида самбо кураши бўйича фахрийлар ўртасида учинчи жаҳон чемпионати баҳслари бўлиб ўтди.***

15 та давлатдан юздан ортиқ спортчилар иштирок этган ушбу мусобақаларда ҳамюртларимиз аъло даражада қатнашиб, республикамиз спорт ишқибозларини беҳад шод этишди. Хусусан, Тошкент автомобиль йўллари институтининг жисмоний тарбия кафедраси мудири Ўрол Жуманиёзов 50—55 ёшлилар ўртасида 57 килограмм вазн тоифасида ўтказилган олти учрашувнинг ҳаммасида рақиблар устидан ғалаба қозониб, жаҳон чемпиони унвонига эга бўлди ва халқаро тоифадаги спорт устаси талабларини бажарди. Бу фидойи фахриймизнинг иккинчи шундай ғалабасидир. Жумладан, ўтган йили Югославияда ўтказилган жаҳон чемпионатидан ҳам Ўрол ака олтин медаль билан қайтганди.

Шуниси эътиборга лойиқки, яна бир ҳамюртимиз — Ўрол аканинг шогирди Раҳим Бўриев 35—40 ёшлилар ўртасида 100 килограммдан ортиқ вазндаги самбочилар беллашувида иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.



Шундай ёш тоифасида 57 килограмм ёшлилар ўртасида эса Остон Чўлиев ҳам юксак зафар қучиб, чемпионлик шоҳсупасига кўтарилди.

Спорт кишиларнинг ҳам иродасини тоблайди, ҳам билимларини оширади, деб бежиз айтмайдилар. — Институтимизда ёшларга самбо, бокс ва миллий кураш, спортнинг бошқа турларини ўргатишда бутун имкониятлардан фойдаланяпмиз, — дейди Ўрол ака Жуманиёзов. — Уларнинг машғулотларда қунт билан шуғулланаётганлари кишини қувонтиради. Самбо ва дзюдо курашлари бўйича шаҳримизнинг бу йилги чемпионлари Умид Шарипов, Нусрат Содиқов, Альберт Ҳакимов ва бошқа шу каби институтимизнинг ёш талабалари бизнинг изимиздан боришади, деган умиддаман.

Ўрол аканинг келгусига мўлжалланган режалари ҳам бисёр. У шу йилнинг 5—10 декабрь кунлари Американинг Сан-Франциско шаҳрида бўлиб ўтадиган йирик халқаро турнирда иштирок этиб ғалабага эришиш ниятида. Сўнг эса 26—28 декабрь кунлари ўтказиладиган фахрийлар ўртасида Ўзбекистон чемпионатида ҳам энг кучлилар қаторидан ўрин олиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Биз жонкуяр мураббий ва моҳир спортчи Ўрол ака Жуманиёзовнинг ниятлари рўёбга чиқиб, қўш чемпионлик медаллари шодасини қўлга киритишига тилакдошмиз.

*Дилмурод ИСАЕВ.*

*СУРАТДА: Ўрол Жуманиёзов кўксини фахрийлар ўртасида жаҳон чемпиони нишони безаб турибди.*

*Саломатлик*

# ДАРД МАНБАИ — БЕМОР

***Грипп — ўткир юқумли касаллик бўлиб, юқори ҳарорат, интоксикация ва нафас йўлларининг яллиғланиши билан кечади. Гриппни вируслар қўзғатади. Грипп вируслари музлатилганида тирик сақланади. Қиздириш, қуритиш ва турли дезинфекцияловчи моддалар таъсирида тез ҳалок бўлади. Ультрабинафша нурлари ҳам уларни тез ўлдиради.***

Гриппни асосан касалликни оёқда юриб ўтказаётган кишилар тарқатади. Дард ҳаво-томчи йўли орқали тарқалади. Бемор гапирганида, йўталганда ва аксирганида тупук заррачалари билан ташқарига кўп миқдорда вирус чиқади. Грипп контакт йўли билан, масалан, сочиқ, рўмолча, ўйинчоқлар орқали ҳам юқиши мумкин. Грипп куз, қиш ойларида кўпроқ учрайди. Бу касаллик болаларга ва кексаларга кўпроқ юқади ва уларда оғирроқ ўтади. Хасталик танада иммунитет кучлари камайишига сабаб бўлади.

Грипп касаллигининг оғир ва енгил ўтиши интоксикациянинг кучли ёки кучсизлигига боғлиқ яширин даври бир неча соатдан 3 кунгача чўзилади. Касаллик тўсатдан эти увишиб, қалтираш билан бошланади, тана ҳарорати 38-40 даражагача кўтарилади. Беморнинг дармони қуриб, пешонаси, қош теграси қаттиқ оғрийди. Бели, аъзои бадани қақшайди. Бир неча соатдан сўнг томоғи оғриб, бурни битиб қолади, йўталади, аксиради, терлайди, юзи ва бўйни қизаради, кўз томирлари кенгаяди, бўшашади, баъзан бурни қонайди. Бемор қуруқ йўталади, овози хириллаб чиқади, кўпинча учуқ тошади.

Грипп билан оғриган беморлар аҳволи оғир бўлмаса, уй шароитида даволанади. Кўп болали, турмуш шароити ночор оилаларда беморларни уйда қолдириш мақсадга мувофиқ эмас. Бемор уйда даволанганида уни алоҳида хонага ётқизиш керак. Ҳарорати пасайиб, интоксикация йўқотгунича бемор ўринда ётиши лозим. Беморга малина, лимон, асал қўшилган иссиқ чой, иссиқ сут бериш зарур. Овқат тўйимли, ширин ва осон ҳазм бўладиган бўлиши керак. Беморга алоҳида идиш-товоқ, сочиқ ажратилади. Парвариш қиладиганлар 4 қават докадан тикилган ниқоб тутиб юришлари зарур.

Транспортда, савдо-сотиқ ташкилотлари, даволаш муассасаларида ишлайдиганлар дока ниқоб тутиб олиши керак. Кўпчилик тўпланадиган жойлар вақти-вақти билан тозаланиб, дезинфекция қилиб турилади. Грипп юқмаслиги учун бурун ичига оксалин мази суртиш, интерферон томизиш тавсия қилинади.

*Дилбар ДЎСМУҲАМЕДОВА,*
*1-юқумли касалликлар шифохонаси шифокори.*

*«02»*

# БОЛА ЎҒРИЛАРИ

***Чилонзорда содир этилган бу воқеадан кейин кўпчиликнинг нафрати уларга нисбатан бир неча баробар ошди десак асло муболаға бўлмаса керак.***

Куппа-кундузи номаълум шахслар мавзелардан бирида эрталаб мактабга отланган болакайни «ГАЗ-24» русумли автоуловга ўтказиб номаълум томонларга олиб кетишади. Онаизор боласининг ҳадеб келавермаганлигини билиб, безовталаниб уч кунни бедор ўтказди.

Воқеа содир бўлган куни ёлғиз қолган онага кимдир бевақт телефон қилди. Гўшакдан эркак кишининг қўпол ва дағал овози эшитилди:

— Ўғлингни кутиб чарчамадингми? Ухламаганга ўхшайсан...

— Нима дейсиз, яхши одам. Ўғлим тирикми? У қаерда?

— Шошилма. Буйруқни биз берамиз. Сен эмас. Агар унинг тирик ҳолда бўлишини истасанг ҳеч кимга чурқ этмайсан. Милицияни хаёлингдан чиқар. У ҳолда уни ўлик ҳолда ҳам топмайсан. Яхшиси бизнинг талабларимизни эшит. Ана шундагина якка ягона арзандангни қайтариб берамиз. Агар 50 минг АҚШ долларини берсанг муродингга етасан. Акс ҳолда...

Телефон ўз-ўзидан ўчди.

Онанинг бутун танасини совуқ тер босди. 50 минг доллар... Акс ҳолда...

Нима қилиш керак?

Шу тун бошқа телефон бўлмади. Она ҳам қора тунни бир амаллаб ўтказди.

Эрталаб яна телефон қўнғироғи жиринглади.

— Ҳей хотин, бир қарорга келдингми, ёки...

— Мен розиман, фақат пулни қаерга, кимга олиб боришим лозим?

— Ана энди ўзингга келибсан. Пулни Чилонзордаги мавзелардан бирига олиб келасан. Бу ҳақда биз сенга ўзимиз хабар берамиз. Милицияга айтаман деб ўйлай кўрма. Сенинг ҳар бир қадаминг ҳисобда.

Шундан кейин аёлнинг қўрқуви баттар ошди. Уйни кузатишаётгандир. Бироқ улар сўраётган пул менда йўқ. Неча йил ишласам ҳам тополмайман. Қўшнилардан милицияга хабар қиламан.

Шундан сўнг Тошкент шаҳар ИИББ жиноят-қидирув бошқармаси уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими ходимларига мурожаат қилди. Бор гапни тушунтириб берди.

Хабарни олишгач, бўлим бошлиғи, милиция майори О. Биченов бошчилигида тезкор гуруҳ тузилиб, гаровга олинган болани қутқариш тадбири бошланди. Жиноятчилар бир неча марта онани овора қилишди. Ҳар доим қўлга тушиб қолишдан чўчишиб, учрашув жойларини ўзгартиришди. Охири метронинг «Мирзо Улуғбек» бекатига яқин жойдаги бетон деворга «SONI» деб ёзилган ёзув остига пулни қолдиришни, шундан кейин болани беришини айтишди. Талаб бажарилди. Бироқ жиноятчилар учун бу тузоқ бўлди. Пулни олиш чоғида улар ашёвий далиллар билан қўлга олиндилар.

Биз тадбир тугагандан кейин Дима билан учрашиб, у билан суҳбатлашдик.

— Дима, сени ўғирлаб кетишганидан кейин қаерга олиб боришди?

— Номаълум кимсалар мени машинага ўтказишиб Қорақамишдаги қурилиши тугамаган бир объектга олиб боришиб уч кун тутқунликда ушлашди.

— Сенга нисбатан жисмоний куч ишлатишдими?

— Йўқ. Бироқ онанг пулни бермаса икковинг ҳам тирик қолмайсан деб қўрқитишди.

— Улардан бирортасини илгари кўрганмисан?

— Биттасини илгари бир-икки марта уйимизга келганида кўрганман.

Бўлим бошлиғи Олег Биченов билан суҳбатимиз чоғида бола ўғрилардан бири ҳақиқатан ҳам оиланинг яқин қариндошларидан бири эканлигини айтди. Жиноятчилар билан суҳбат чоғида «Бола ўғирлигига нима сизларни мажбур қилди», деганимизда «Бироз пул ишлаб олмоқчи эдик», дейишди. Бундан ташқари бу мақсадда уларга хориж фильмларидаги айни шундай тасвирлар қўл келганлигини айтишди.

Ҳозир ушбу иш юзасидан жиноят иши қўзғатилган бўлиб тергов ишлари олиб борилмоқда.

*Мирза АБДУЛЛАЕВ,*
*Тошкент шаҳар ИИББ ходими.*

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**In UN organization is inviting candidates to fill the post of Electronic Data Processing Assistant.**
**The position will involve responsibilities for LAN maintenance and communications, troubleshooting of hardware and software problems, procurement and inventory management.**
**Qualifications required: candidate between 25-40 years, complete secondary education plus Technical education /training in computer technology and software, good practical knowledge of English.**
**Contact phone: 54-26-07.**
**Application forms with job description are available at: 14 Mahmood Torobiy Str., Tashkent.**
**Closing date is 10 January 98.**

**ҲУРМАТЛИ ЖАНОБЛАР!**

**Масъулияти чекланган «Файз-Барака» ММЛ жамияти Бельгияда ишлаб чиқарилган юксак сифатли УННИ Тошкент шаҳрида энг арзон нархларда олишга Сизларни таклиф этиш шарафига муяссардир.**
**Бизнинг уланиш телефонларимиз: 67-28-71; 68-35-83.**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.**
**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.**
**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.**
**Факс: (3712) 133-29-09.**
**МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.**

Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар – 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0597. Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 ❖ Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. 1 2 3 4 5 6.